

РЕЗЮМЕ

Маколада диалогик мулоқотнинг этник-маданий омилларини ўрганиш материаллари келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади - оғзаки мулоқот жараёнида суҳбатдошларнинг миллийлиги ва маданиятини акс эттирувчи лингвистик бирликларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш. Тадқиқот жараёнида диалог назарияси кўплаб лингвистик муаммолар билан шуғулланганлиги сабабли тавсиф ва қиёсий-тавсиф усулларидадан фойдаланилди.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены материалы исследования этнокультурологических факторов диалогического общения. Цель исследования рассмотреть и проанализировать языковые единицы, отражающие национальную принадлежность и культуру собеседников в процессе речевого общения. В ходе исследования использовались описательные и сравнительно-описательные методы, так как теория диалога занимается многими лингвистическими проблемами.

SUMMARY

This article includes materials of the research on ethnic cultural factors of dialogic communication. The aim of the research is to consider and analyze the language units which reflect nationality and culture of people in the process of speech communication. In the process of research we used descriptive and comparative descriptive methods, since the theory of dialog researches a lot of linguistic issues.

ОТ СЎЗ ТУРКУМИГА ХОС СЎЗЛАРНИНГ МЕТАФОРИК ТАБИАТИ

Х.Ҳамдамова – катта ўқитувчи

Жиззах политехника институти

Таянч сўзлар: дoston, от сўз туркуми, метафора, эпик қаҳрамон, маъно, кўча маъно, генетик сенема, бахши, матн.

Ключевые слова: эпос, именительное словосочетание, метафора, эпический герой, значение, переносное значение, генетическая сенема, бахши, текст.

Key words: epic, noun phrase, metaphor, epic hero, meaning, figurative meaning, genetic senema, bakhshi, text.

Дostonдаги *тўра* сўзини ва унинг матндаги метафорик мазмунда қўлланиш ҳолатини кузатайлик: “От чопса гумбулар тоғнинг дараси, // Ғариб бўлди Оқтош элнинг тўраси” (427); “Озод қилинг Оқтош элнинг тўрасин, // Ўлмай, бориб кўрсин бу ҳам энасин” (367); “Кўринг Оқтошнинг тўрасин, // Жаллодга берди иззасин” (388). Дostonдан намуна сифатида олинган ушбу матнларда *тўра* лексемаси ҳам ўз маъносига, ҳам кўча маънода қўлланилганини кузатдик. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да *тўра* сўзининг қуйидаги генетик семалар мавжудлиги кўрсатилган: 1) юкори табақага мансуб киши; зодагон, оқсуяк, аристократ; 2) хонлар даврида ва чор Россияси даврида Туркистонда катта амалдор, ҳоким; 3) ҳурмат юзасидан ёки улуғлаб, кишиларнинг номига, унвонига, мансабига, шунингдек, кўча маънода баъзи нарсаларни билдирувчи сўзларга қўшиб ишлатиладиган сўз; 4) расмиятчи, расмиятпараст, бюрократ; 5) Тўра (эркаклар исми) [5:244]. Келтирилган изоҳларда 1- ва 2- семалар *тўра* лексемасининг генетик семалари саналади. Берилган матндаги 3-семалар метафорик маънони муайянлаштирувчи омил бўлиб, метафорик кўча маъно ҳосил қилган ва образли ифода воситаси бўлиб келмокда. Бахши дoston сюжетини жўшиб қуйлаш жараёнида этимологик жиҳатдан тарихий сўз ҳисобланган *тўра* лексемасидан моҳирона фойдаланиб, уни бадий мазмун ифодаловчи ва тингловчиларни жалб этувчи лисоний актуализаторга айлантирган. Мазкур лексема дostonнинг асосий эпик қаҳрамонларидан бири Оқтош элининг подшоши Рустамхоннинг муайян хатти-ҳаракатлари, жангдаги кўрсатган қаҳрамонлик фаолиятларини тингловчиларга баён этишда кучли коннотацияли аффе́ктив образли ифодани ҳосил қилган. Матннинг 3-мисолидаги *тўра* лексемаси “кучли”, “бакуват” маъносига қўлланилиб, жаллодларнинг таъзирини берувчи “моҳир жангчи” маъносигаги метафорик мазмунни ҳосил қилган.

Кўрамизки, бахши дostonни ижро этиш жараёнида элнинг *тўраси*, *Оқтошнинг тўраси* каби лексик бирликларида *тўра* лексемасининг генетик семасидаги раҳбарликка хосликка урғу берган. Чунки тарихий жиҳатдан бу сўз фақат эркак зотиға нисбатан ишлатилгани, замирида “бошлик, раҳбар” семаси мавжудлиги халқ бахшиси бадий тафаккурида сақланиб қолган. Халқ дostonлари тилининг бошқа намуналарида ҳам айна лисоний ҳолат кўзға ташланади.

Халқ дostonлари матнидаги метафораларни жиддий ўрганган Г.Жуманазарованинг қайд этганидек, “От метафоралар шаклан кенгайтирилган метафоралардаги сўз бирикмаларидан ташкил топади, матндаги одатий

сўзларнинг маъно доирасини кенгайтириб, янги-янги семалар ҳосил қилишға хизмат қилади. От метафоралар вазифасида келган феъллар матнда отлашган бўлади ёки отли (объект) бирикмалар ҳисобланади” [2:231]. Олима ушбу мулоҳазаларни далиллашда Фозил шоир дostonларидаги от метафораларда экспрессивлик эпик қаҳрамоннинг нарсаси, белги, воқеликка бўлган ижобий ёки салбий муносабати нуктаи назаридан зохир бўлганлигини кузатади.

Тилшунослигимизда от метафораларининг пайдо бўлиши ва объекти хусусида анчагина фикрлар билдирилган. Масалан, А.Абдуллаев: “Метафоралар от билан ифодаланганда жониворлар, ўсимликлар, осмон жисмлари, табиат ресурслари, нарсаси-куроллар, озиқ-овқатлар, эпик қаҳрамонларни объект ўринда келтиради” [1:29-30], - деган мулоҳазани айтган. М.Мамадалиева ўзининг диссертациясида тилимиздаги сўзларнинг метафорик қўлланиш имкониятлари ҳақида сўз юритиб, ҳайвонларға хос уни “яширин” хусусиятларини инсонларға ўхшатиш орқали коннотатив маъно ҳосил қилишини таъкидлайди: “Метафора орқали маъно кўчишида коннотатив маъно ёркинроқ акс этади. Масалан, от, эшак, қўй, ит, бўри, туя, тулки, йўлбарс, бойўғли, мусича, бургут, лочин, қалдирғоч, булбул каби ҳайвон ва қушларнинг номлари бўлган лексемалар мавжудки, бу сўзлар ўз маъносидан ташқари, кўча маънода жуда кенг қўлланилади. Отнинг бакуватчилиги, эшакнинг ақсизчилиги, қўйнинг ювошлиги, итнинг вафодорлиги, мушукнинг эпчилиги, тулкининг айёрлиги, бургутнинг чангалашдаги кучлилиги, лочиннинг кўзи ўткирлиги каби типик хусусиятлари бошқа предметларға нисбатан метафорик усулда кўчирилади, натижада коннотатив маъно юзага келади ҳамда матннинг таъсирчанлиги ошади” [3:12].

“Рустамхон” дostonи матнида қўлланилган от метафоралар ичида *гул*, *лола* каби ўсимликларни; *боғ*, *гулзор*, *қир*, *адир*, *тоғ* каби ўрин-жойларни; *ой*, *офтоб*, *юлдуз* каби осмон жисмларини; *эрта*, *шом*, *баҳор*, *куз*, *қиш* каби фасл ва пайт маъноларини; шунингдек, *пар*, *чўри*, *хур*, *фаришта* каби эпик қаҳрамонлар номларини ифодаловчи метафоралар анча фаол эканлигини кузатдик. От метафораларнинг бошқа метафораларға нисбатан халқ дostonларида кўп миқдорни ташкил этилишининг туб сабаблари ва омиллари ҳақида Г.Жуманазарова қуйидагиларни таъкидлайди: “Уларнинг миқдор жиҳатдан кўплиги ва матндаги фаоллиги энг аввало, поэтик кўчимнинг образ, кўпинча дostonларнинг эпик қаҳрамонлари ўрнида алмашланиб қўлланилганлиги билан боғлиқ. Жониворларни билдирувчи отлар эпик қаҳрамонларнинг у ёки бу

хислатини янада бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган. У ёки бу хайвонларга хос ижобий ёки салбий муносабатларнинг метафоралар орқали ифодаланиши ижодкор халқимизнинг тотемистик эътиқодига ва хайвонлар култига бўлган ишончига асосланганлигидан келиб чиққан” [2:231-232].

“Рустамхон” достонида *булбул* лексемаси метафорик мазмунда қўлланилиш ҳолатини кузатамиз. Аслида бу лексема тарихий-этимологик жиҳатдан форсча сўз бўлиб, тилимизга ўзлашган. Унинг тилимиз изохли луғатларида қуйидаги генетик семалари мавжудлиги кўрсатилган: 1) чумқуксимон туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи қуш; 2) хушовоз хонанда; моҳир нотик; 3) ошиқ, хуштор [4:369]. Шуларга асосланиб, энди дostonдан олинган қуйидаги матнларга эътибор қаратамиз: “*Кўп юрдим, етмади, бемаҳал ўлим, // Қайси бир гулшанга кетди булбулим*” (439), “*Қани менинг борсам жони-дилим, деб, // Чаманда сайраган у булбулим, деб, // Ўлдирса, ўлдирсин ёлғиз улим, деб // Тоғи қайтиб, Баҳра тоққа жўнади*” (438). Кўрамизки, *булбул* метафораси ўзакка қарашлилик маъносини ифодаловчи эгалик қўшимчалари орқали ифодаланган (*булбулинг, булбулим* каби). Мазкур бирликлар дostonдаги муайян эпик қаҳрамоннинг, хусусан, ота-онанинг ички кечинмалари, руҳияти, кайфияти, II шахсга нисбатан дил изҳорининг субъективлигидан келиб чиқаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу ерда II шахс ўзича *булбул* бўла олмайди, у аслида ота-онанинг фарзанди: ўғли ёки қизи. Демакки, *булбул* лексемаси “фарзанд”, “ўғил” ёки “қиз” маъносини ифодалаш метафоризациялашган.

Гап *булбул* метафораси ҳақида борилар экан, яна бир лисоний ҳолатга, яъни *гул* метафорасига эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур дostonда ушбу *гул* метафораси худди *булбул* метафораси каби фарзанд, болам, ўғлим лексемалари ўрнида қўлланилган ва метафоризация ҳосил қилган. Халқ дostonларида кўплаб учрайдиган айна лисоний хусусият тўғрисида Г.Жуманазарова муҳим илмий хулосани беради: “Халқ дostonлари матнида фаол қўлланилган от метафоралари ичида *гул* метафорасидаги *гулнинг* семантик жиҳатдан фарзанд, болам, ўғлим тушунчаларини англатишда *гулдаги* беғуборлик, гўзаллик, нозиклик, хушбўйлик каби мукамал мутаносиблик хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Муҳими, мослик ва ўхшашлик яна шундаки, фарзанд ҳам, гул ҳам инсон (эпик қаҳрамон) учун энг қадрли, бебаҳо неъмат. Шунинг учун ҳам халқ дostonларида фарзандга нисбатан *гулим* деб мурожаати қилинади” [2:234]. Айна лисоний хусусиятни биз ўрганган “Рустамхон” дostonи матнида ҳам учраганлигини кузатамиз: “*Қандай қилди қайғу-зулми,*

// Хафа қилди сендай тоза гулмни” (357); “*Хазон қилгин тар очилган гулмни, // Ўлсин дейсин Хуройим ҳам ули*” (357); “*Тор очилган тоза бознинг гулисан, // Энанг ҳам отангнинг жони дилисан*” (377). Келтирилган мисоллардаги лисоний ҳолатдан аён бўладики, матндаги *гулим, гулисан, гулмни* каби метафораларнинг таъсирчанлиги ниҳоятда кучли, ифоданинг гоёвий-бадий кучи бўрттириб ифодаланган. Бу метафоралар ўғил ёки қизга нисбатан айрим-айрим ҳолида эмас, балки уларнинг жинсидан қатъий назар бир хил ҳолда, *фарзандим* маъносида қўлланилган, матнда метафоризация ҳосил қилган.

Халқ дostonларида учрайдиган яна бир лисоний ҳолатни биз ўрганган “Рустамхон” дostonи матнида ҳам учратдик. Хайвонлардан *бўта, кўзи, қулун* каби лексемалар ҳам от метафоралар сифатида метафоризация ҳодисасини ҳосил қила олган, яъни муайян эпик қаҳрамонга, фарзандга нисбатан қўлланган. “Ўзбек тилининг изохли луғати”да *бўта, кўзи, қулун* лексемаларининг қуйидаги генетик семалари мавжудлиги кўрсатилган. **Бўта:** 1) туянинг бир ёшгача бўлган боласи, бўталок; 2) болаларни, ёшларни бўталокка қиёс қилиб, эркалатиб айтиладиган сўз; 3) Бўта (эркаклар исми) [4:420]. **Кўзи:** 1) кўйнинг ёшига етмаган, тўрт-беш ойлик боласи; умуман, кўйнинг боласи; 2) I шахс эгалик шаклидаги болаларни эркалатиб мурожаат этиладиган сўз, кўзичоғим; 3) Кўзи, Кўзибой (эркаклар исми) [6:396]. **Қулун:** 1) отнинг бир ёшгача бўлган боласи; 2) ўғил эркалатиш ёки эркалаб мурожаат қиладиган шахс [6:374-375]. Энди дostonдан намуна сифатида олинган қуйидаги матнларга эътибор қаратамиз: *Рустам ўликлари ағдариб юрган эди, қулуга: “болам Рустам, кўзим, бўтам!деган товуш келди”* (390); *Рустам кўзим, бўтам, келгин қошима, // Болам, деб босайин сени тушима* (389); *Бери келгин болам, асов қулуним, энанг бунда сенинг учун меҳрибон* (389). Матндаги от метафораларда имплицит ҳукм ифодаси мавжуд: *кўзим, бўтам, қулуним* метафоралари *ўғлим, фарзандим, болам* семантик маъносида қўлланилган. Бундай лингвопоэтик ҳодиса матнда икки хил ҳукмни ифодалашга хизмат қилган: биринчиси *ўғил – болам, ўғлим – кўзим, ўғлим – бўтам, ўғлим – қулуним* тарзидаги ҳукм; иккинчиси *кўзи – меники, бола – меники, ўғил – меники, бўта – меники, қулун – меники* тарздаги ҳукм. Матннинг учинчи жумласидаги биринчи шахс, эгалик шаклидаги *қулуним* лексемасида эпик қаҳрамоннинг боласини эркалатиш ёки эркалаб мурожаат қилиш маъноси ҳам мавжуд. Дoston матнида ҳар иккала ҳукмни ифодалашга хизмат қилувчи бундай от метафоралар жуда фаол қўлланилган.

Адабиётлар

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. -Тошкент: 1983. 29-30-б.
2. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. -Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 20012.
3. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: филол. фан. ном. дис. -Т.: 1998. 12-б.
4. Ўзбек тилининг изохли луғати, 1-жилд. -Т.: 2006.
5. Ўзбек тилининг изохли луғати, 4-жилд. -Т.: 2008.
6. Ўзбек тилининг изохли луғати, 5-жилд. -Т.:2008.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада “Рустамхон” дostonида қўлланилган от сўз туркумига хос сўзларнинг метафорик табиати, тарихий-этимологик жиҳатлари, лексик-семантик табиати ва уларнинг эпик қаҳрамонларга муносабати масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается метафорическая природа, историко-этимологические аспекты, лексико-семантическая природа слов, употребляемых в эпосе «Рустамхан», и их отношение к эпическим героям.

SUMMARY

The article describes the metaphorical nature, historical and etymological aspects, the lexical and semantic nature of the words used in the epic "Rustamkhan", and their relationship to epic heroes.